



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 49 (12.360)

Баҳоси эркин нарҳда

ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН ИЖТИМОИЙ- ИҚТИСОДИЙ МУВАФФАҚИЯТЛАР ФРАНЦИЯДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

Яқинда Ўзбекистоннинг Франциядаги дипломатия ваколатхонасида 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари ҳамда «Обод турмуш йили» Давлат дастурига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

Тадбирда Парижда аккредитациядан ўтган халқаро ташкилотлар ва дипломатия ваколатхоналари ҳамда Франциянинг ижтимоий-сиёсий, эксперт-таҳлил ва ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этдилар. Брифинг қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг якунлари ва 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузасининг асосий мазмунини ҳамда юртимизда иқтисодиётни либераллаштириш бўйича олиб борилган ислохотлар натижалари, шунингдек, хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай сармоявий муҳит тафсилотлари билан атрофлича танишдилар.

Брифинг чоғида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳали-ҳамон давом этаётганлигига қарамасдан 2012 йили Ўзбекистонда иқтисодиётнинг барқарор ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга эришилгани эътироф этилди. Ушбу йўналишдаги муваффақиятлар иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилиш ва диверсификациялаш, янги етакчи тармоқларни ташкил қилиш, модернизациялаш, ишлаб чиқаришни техникавий ва технологик жиҳатдан янгилаш ҳамда замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш дастурларини амалга ошириш юзасидан чуқур ўйланган ва оқилона сиёсат олиб борилаётганининг натижаси эканлиги қайд этилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчилари ўтган йилда эришилган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар, Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган хорижий сармоялар ҳажми, 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг устувор йўналишлари, жумладан, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар ва диверсификациялашнинг давом эттириш, қишлоқ жойларда инфратузилмани, саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни ривожлантириш режалари билан танишдилар.

(Давоми 2-бетда)

2013 йил — Обод турмуш йили

МАҲАЛЛАДА МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалласида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Тумандаги ўнга яқин корхона, ташкилот ва муассаса бўш иш ўринларини таклиф этди.

Бугун туманда қирқ тўққиз маҳалла ва тўққизта касб-хунар коллежи фаолият юритмоқда. Аҳоли ва коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашда бўш иш ўринлари ярмаркалари муҳим омил бўлаётди.

Олти минг нафардан зиёд аҳоли истикомат қиладиган «Илғор» маҳалласида кейинги йилларда бир қатор янги тикувчилик корхоналари ва маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари ишга туширилди. Ўнга яқин оилавий тадбиркорлик субъекти аҳолига турли йўналишда хизмат кўрсатмоқда.

— Меҳнат ярмаркасида туманимиздаги 1-шаҳар шифонасига ишлаш учун йўланма олдим, — дейди Шайхонтоҳур тиббий коллежи ўқувчиси Мафтуна Набиева. — Келгусида ўз билим ва тажрибамни янада бойитиб, олий ўқув юртига ўқишга кириш, етук шифокор бўлишни мақсад қилганман.

Бундай ярмаркалар тумanning бошқа маҳаллаларида ҳам бўлиб ўтмоқда.

Б.ХИДИРОВА,
ЎЗА муҳбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аскар Ёкубов (ЎЗА) олган сурат

Тошкент автомобиль йўллари касб-хунар коллежи томонидан «Автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича амалий машғулотлар» мавзuida туркум ўқув фильмлари тайёрланди. Ўқув режалари асосида тайёрланган мазкур видео-дарслар мавжуд ўқув материалларини тўлдириш ва янада бойитиш учун мўлжалланган. Улар мамлакатимиздаги автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш йўналиши бўйича фаолият кўрсатаётган касб-хунар коллежларида тарқатилади.

Қарор ва ижро

ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙЎНЛИГИ

боратория кабинетлари жиҳозланган. Ўқувчиларга 180 дан зиёд малакали педагог кадрлар, жумладан, икки нафар фан доктори ва 30 нафар фан номзоди билим бермоқда.

Коллеж лаборатория ва ўқув хоналаридаги махсус стендларда деталлар, узеллар ҳамда мамлакатимизда ишлатиладиган ёки ишлаб чиқариладиган, ер устида ҳаракатланадиган деярли барча турдаги транспорт турли тизимларининг ишлаш макетлари қўйилган. Автомобиллар ва уларнинг бутловчи қисмларини ишлаб чиқарувчилар билан ўрнатилган ҳамкорлик натижасида мазкур коллекция янги нусхалар билан мунтазам тўлдирилмоқда. Бу эса ўқувчиларга замонавий автомобиллар мосламалари ва ускуналарининг тузилиши ва ишлаши билан танишишга ёрдам бермоқда. Яқинда коллежга «Matiz» русумидаги машинанинг функционал электрон тизими тасвирланган янги стенд совға қилинди.

Лаборатория биноларидан бири деярли барча турдаги таъмирлаш ишларини амалга оширишга ёрдам берадиган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган.

Бундан ташқари, коллежнинг 14 энгил ва 8 юк автомобилига эга кичик автопарки мавжуд. Бунинг натижасида ўқувчилар «В» ва «ВС» тоифали ҳайдовчиларни тайёрлаш курсларида ўқиш имконига эга бўлмоқда. Имтиҳонларни муваффақиятли топширган ўқувчиларга ҳайдовчилик гувоҳномаси берилади.

Коллежда йўл ҳаракати қоидалари бўйича машғулотлари ўтқа-

зишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу машғулотлар давомида турли вазиятлар ва йўл-транспорт ҳодисаси юз берганда ўзини тутиш ҳолатлари моделлаштирилган.

Бу ерда ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш бўйича дастур тайёрланган. Унинг ижросини таъминлаш доирасида услубий ишланмалар тайёрланиб, гуруҳ раҳбарлари, ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари иштирокида семинар ва суҳбатлар, турли тадбирлар ўтказилди. Такдим этилган дастурда гуруҳ раҳбарлари ва ўқитувчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларидан ташқари, олий ўқув юртларини тугатган, ҳали етарли даражада дарс ўтиш тажрибасига эга бўлмаган ёш педагогларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Улар, энг аввало, ўз ҳуқуқ ва бурчларини билиши, мазкур ўқув муассасасида дарс ўтишнинг ўзига хос жиҳатларини ўрганиши лозим.

Коллежда автодизайнер, ёш чиллар, электр техника, «Яшил чироқ» каби ўттиздан ортқ тўғарақлар фаолият кўрсатмоқда.

— Тугарагимизда болалар автомобиль саноатида қўлланиладиган турли моддаларнинг ишлаши ва хусусиятлари бўйича бошланғич билим олади, — дейди кимё тўғараги раҳбари, фан номзоди, доцент Муқаддас Жўхорова. — Улар машинасозликда кўп фойдаланиладиган спирт, кислота ва антифриз сингари моддаларнинг хусусияти ва таркибини билиши, улар билан ишлаш олиши лозим.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Фарғонада «Автоолам маликаси – 2013» кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Вилоят хотин-қизлар кўмитаси ва Ўзбекистон мудофасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳудудий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган танловда шаҳар ва туман босқичида сараланган 19 нафар аёл қатнашди.

● Нукус шаҳрида оилавий корхоналарни ривожлантиришнинг самараларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда тегишли вазирлик ва идоралар, банк-молия муассасалари, жамоат ташкилотлари вакиллари, тадбиркорлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

● Қашқадарё вилояти Касби туманидаги Фазли ва Майманок қишлоқларида туман тез тиббий ёрдам бўлимининг шохобчалари аҳолига хизмат кўрсата бошлади. Эндilikда маҳаллий аҳолининг тез тиббий ёрдам хизматини туман марказидан чақиришига ҳожа қолмади. Ушбу тиббий марказ «Дамас» русумли тез тиббий ёрдам машинаси ва биринчи ёрдам учун зарур барча дори-дармон ва тиббий воситалар билан таъминланди.

● Наманган шаҳрида Обод турмуш йили ҳамда Халқаро хотин-қизлар кунига бағишлаб, 1996-2002 йилларда туғилган қизлар ўртасида бадиий гимнастика бўйича Ўзбекистон чемпионатининг саралаш босқичи мусобақалари ўтказилди.

● Андижон вилояти Шаҳрихон туманида фаолият кўрсатаётган «Фарғона чарм пойабзали» масъулияти чекланган жамиятида 15 турда сифатли пойабзаллар ишлаб чиқарилмоқда. Корхонага «Ҳамкорбанк» туман бўлимидан ажратилган ҳамда жамиятнинг ўз маблағи ҳисобига Хитойдан пойабзал ва чарм тикувчи замонавий дастгоҳлар келтириб ўрнатилди. Натижада, бу ерда юқори сифатли пойабзал ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

ЖАҲОНДА

● Евро ҳудудига кирувчи ўн етти та мамлакатда ишсизлик жорий йилнинг январь ойида 11,9 фоизга етди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг декабрида 11,8 фоизлик даражада эди. Ишсизлик, айниқса, ёшлар орасида кўпайиб, 24,2 фоизга чиққан. Испанияда бу ҳолатнинг ўта юқори даражага етгани ачинарли. Ушбу мамлакатда ишсизлик 55,5 фоизни ташкил этмоқда.

● Папуа ва Янги Гвинеянинг шимоли-шарқидаги Лаэ шаҳрида зилзила содир бўлди. Рихтер шкаласи бўйича 6,7 балли табиий офат натижасида ҳеч ким жабрланмади, вайроналар ҳам кузатилмади. Таъкидлаш жоизки, Папуа ва Янги Гвинея сайёрамиздаги сейсмик фаол ҳудудда жойлашгани боис у ерда тез-тез зилзилалар бўлиб туради.

● Перу жанубидаги Камана ва Арекипа шаҳарларини боғловчи йўлда автобус ҳалокатга учради. Яъни, йўловчи транспорт воситасининг қияликдан жарга кулаши натижасида 14 киши ҳаётдан кўз юмган, 30 нафар йўловчи эса турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Ушбу фожиа атрофни калин туман босганлиги туфайли юз берган.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Бектемир туманидаги «Астробод» маҳалласи гузарига «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси

ва «Ўзбектеатр» ижодий ишлаб чиқариш бошқармаси ходимлари иштирокида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган маънавий-маданий тадбир бўлиб ўтди.

✓ **БУГУН** Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институтига талабалар ўртасида Наврўз байрамига бағишланган спорт мусобақаси уюштирилди.

✓ **ЭРТАГА** Маданият ва санъат кўргазмалар залида «Ташаббус – 2013» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилади.

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда фуқаролар барқарорлиги, оқолиятлиги, ҳавфсизлиги, миллатлараро тотувлиги, инсон ҳуқуқлари, уларнинг эркинлиги ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамият фаровонлиги ва тараққиётининг изчил ўсиб боришини янада мустаҳкамлашга йўналтирилган муҳим устувор йўналиш ҳисобланадиган «Обод турмуш йили» Давлат дастурининг қабул қилингани ва унинг асосий мазмун-моҳияти билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилди.

Франциянинг шарқий ҳудудидида жойлашган **Вогез** департаменти **Бош кенгаши** **раиси, сенатор К. Понселе** ўз чиқишида Ўзбекистон ва Франция ўртасида савдо ва саноат соҳаларида ўзаро муносабатлар тобора ривожланиб бораётгани хусусидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашди.

— Ўзбекистон билан ўзаро ҳамкорлик доирасида қатор лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш ҳамда келгусидаги ҳамкорликнинг янги истиқболларини белгилаб олишга муваффақ бўлди, — деди у. — Франция саноатчилари делегациясининг таркибидида Ўзбекистонга борган чоғимда шунга амин бўлдимки, мамлакат иқтисодиётининг ушбу соҳаси изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, илғор замонавий технологиялар билан жиҳозланган тўқимачилик корхоналари энг юксак талаб ва мезонларга жавоб беришига шохид бўлди.

Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Евроосиё мамлакатлари рақобатбардорлигини ошириш бўйича Дастури раҳбари А.Сомма хорижий сармояларни жалб қилиш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, саноат соҳалари рақобатбардорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг ўрни ва аҳамияти хусусида тўхталар экан, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар натижаларига юқори баҳо берди.

Унинг айтишича, республикамиз бюджетидан салмоқли маблағлар айнан ижтимоий эътиҳларга, жумладан, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига йўналтирилаётгани алоҳида эътиборга сазовордир. Шу билан бирга, А.Сомманинг эътирофи этишича,

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мамлакатни модернизациялаш ва демократик жамиятни барпо этишга қодир бўлган юқори малакали кадрлар тайёрланишига ҳам жиддий эътибор қаратилмоқда.

— Халқаро валюта жамғармасининг мустақил таҳлилчилари томонидан Ўзбекистон эришган макро-иқтисодий кўрсаткичларнинг юқори баҳолангани мамлакат иқтисодий салоҳиятининг изчил ўсишидан ҳамда унинг рақобатбардорлиги ортаётганидан далолатдир, — деди **Франция Сийёси ва халқаро муносабатлар марказининг етакчи эксперт**

ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ МУВАФФАҚИЯТЛАР ФРАНЦИЯДА ТАҚДИМ ЭТИЛДИ

ти Э.Ролан. — Бу соҳада эришилган муваффақиятлар Ўзбекистонда олиб борилаётган самарали пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсатининг аниқ-равшан маҳсулидир.

Экспертнинг сўзларига қараганда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тараққиётини қўллаб-қувватлаш, энг аввало, қишлоқ жойларда янги иш ўринларини яратиш орқали иқтисодиётни либераллаштиришдек муҳим устувор йўналишни амалга ошириш Ўзбекистон тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. Нафақат пойтахт ҳудуди инфратузилмасини ривожлантириш, балки Ўзбекистон шаҳарларини боғловчи йўлларни модернизация қилиш ва янги-дан-янги темир йўлларни бунёд этиш ҳам хизматлар соҳасининг юқсалишида алоҳида ўрин тутди.

Сарбонна I университети профессори, сиёсатшунос Оливье Фор ҳам Ўзбекистоннинг барқарор иқтисодий тараққиёти жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакат иқтисодиётига таъсирининг олдини олиш мақсадида давлат раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган стратегиянинг нечоғлиқ тўғри эканлигидан далолат беришини айтди.

— Жаҳонда «Ўзбек модели» дея тан олинган ўзига хос ижтимоий-иқтисодий ва демократик тараққиёт

йўли ўтиш даври иқтисодиётидаги бошқа давлатлар учун намуна бўлиб хизмат қилади, — деди у. — Буюк тарих ва маданиятга эга бетакрор мамлакат ҳисобланадиган Ўзбекистон илғор ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой олишдек улғур мақсад йўлида ишонч билан қадам ташламоқда. Бу йўлда Ўзбекистон халқига янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

«Baker & McKenzie» юридик компаниясининг адвокати Н. Клотиль мамлакатимиздаги иқтисодиёт жабҳасига хорижий сармояларни жалб қилишнинг ҳуқуқий меъёрларини ишлаб чиқиш ва ҳаётга татбиқ этишга қаратилган чора-тадбирларга юқори баҳо берди. Унинг фикрича, яратилган шарт-шароитлар иқтисодиётни такомиллаштиришга ҳамда дунёнинг етакчи мамлакатларида ишлаб чиқарилган замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда саноатнинг янги соҳаларини ривожлантиришга бевосита ижобий таъсир кўрсатади.

— Ҳамон давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига қарамадан Ўзбекистонда мамлакатни модернизациялашга қаратилган саяё-ҳаракатлар мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 8,2 фоизга ўсишига имкон яратди, — деди Н. Клотиль.

Германиянинг Франциядаги элчихонаси ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотидида доимий ваколатхонасининг иқтисодиёт ва энергетика масалалари бўйича маслаҳатчиси П.Спетч давлатимиз раҳбари томонидан 2013 йилнинг «Обод турмуш йили», деб эълон қилиниши ижтимоий инфратузилмани ва аҳоли турмуш тарзини янада яхшилаш, қишлоқ ҳудудларини ҳар томонлама ривожлантириш, таълим соҳасини ислоҳ қилиш ҳамда ёш авлодни тарбиялашга энг муҳим устувор масала сифатида эътибор қаратилаётганидан далолат беришини таъкидлади. Унинг фикрича, Давлат дастурда белгиланган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши ижобий натижаларга олиб келгани ҳолда катта миқдордаги чет эл сармояларини жалб қилишга ҳам хизмат қилади.

«Жаҳон» АА
Париж

Тадбирлар

ИККИ АВЛОД УЧРАШУВИ

Олмазор туманидаги 28-умумтаълим мактабидида «Соғлом авлод учун» тадбири ташкил этилди.

Туман ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси таънч маскани ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда эл ҳурматида сазовор бўлган, ўзларининг фидокорона меҳнати билан юртимиз раҳнақига ҳисса қўшган фахрий устозлар билан ёш авлод вакиллари учрашди.

— Дунёнинг ҳеч бир мамлакатидида Ўзбекистондагидек кексаларга ғамхўрлик кўрсатилмаса керак, — дейди Республика болалар ижодиёти марказида кўп йиллар меҳнат қилиб, ҳозирда қарилик гаштини сураётган Санобар Шодиева. — Фахрийларга юксак эътибор ва ғамхўрлик қилаётган Президентимиз ва ҳукуматимизга мингдан минг раҳмат дейман. Биз, қария-



лар шунини хоҳлаймизки, доимо юртимиз тинч, Ватанимиз мустақиллиги абадий бўлсин. Тадбирда иштирок этган фахрийларга «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси таънч маскани томонидан эс-

далиқ совғалари топширилди. Бадиий жамоаларнинг чиқишлари қатнашчиларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Абдували СОДИҚОВ
Козим Ўлмасов олган сурат

Юртимизда баҳор нафаси уфуриб турган мана шу кунларда, табиат уйғониб, чирой очётган шукуҳли лаҳзаларда «Қамолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан «Онажоним — мўътабар» лойиҳаси остида «Аёл — қалб гавҳари» мавзусида маънавий-маърифий тадбир ташкил этилди.

ДОИМ ҚАЛБИМИЗДАСИЗ

Байрам, муносабати билан «Қамолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши вакиллари ҳаракат тизимида фаолият кўрсатаётган сардор ва етакчилар, Кенгаш аъзоларининг оналари ҳамда гўзал ва лобар қизларни баҳор айёми билан қутлаб, уларнинг маданий дам олишлари учун турли сахна кўри-нишларини намойиш этишди.

Шунингдек, ўзида икки шартни қамраб олган танлов ҳам тадбирнинг янада мазмунли ва қизиқарли ўтишини таъминлади. «Онам уйда бўлмаса» деб номланган биринчи шарт бўйича танлов иштирокчилари икки турдаги уй-рўзгор ишларини бажардилар. Танловнинг «Энг яхши табрик» шартида эса ҳаракатнинг етакчи йигитлари азиз ва мўътабар аёлларимизни сами-

ми ва ноодати тарзда табриклаб, уларга кўтаринки кайфият улаштиришди.

Дилдан айтилган табрик сўзлари ҳамда мусиқий чиқишлар ҳақмлар томонидан муносиб баҳоланди.

— Мунис оналаримиз ҳамда опа-сингилларимизни Халқаро хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан табриклайман, — дейди Чилонзор туманида жойлашган 162-мактабнинг «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати етакчиси Достон Ирисматов. — Юзингиздан ҳеч қачон кулгу аримасин. Доимо бизнинг бахтимизга соғ-саломат бўлинглар.

Тадбир сўнгига эл суйган эстрада хонандаларининг чиқишлари йиғилганлар қалбига қувонч бахш этди.

Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА

ТАЪЛИМ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ УЙЎНЛИГИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимиз корхоналарида тажрибали усталар раҳбарлигида амалий машғулотларни ўтказиш учун махсус хоналар ташкил этилмоқда. Тошкент автомобиль йўллари касб-хунар коллежи ўқувчилари «уна-шоғирд» тизими бўйича ўқимокда ва корхонанинг шартнома тузилган малакали мутахассислари раҳбарлигида зарур ишлаб чиқариш кўникмаларини эгалламоқда. Айни пайтда коллеж 150 нафардан зиёд корхона мутахассислари билан шартнома тузган.

Уч томонлама шартномалар имзолаш муҳим ҳуқуқий асос ҳисобланади. Айни пайтда учинчи курс ўқувчиларининг 85 фоизи билан шундай шартномалар имзоланган. Бу уларга ўзларини амалиётда кўрсатиш ва қафолатли ишга жойлашиш имконини беради. Ўтган йили 871 нафар битирувчининг 630 нафари уч томонлама шартнома бўйича ишга жойлашди.

— General Motors Powertrain Uzbekistan» қўшма корхонаси томонидан эълон қилинган танловда иштирок этяпман, — дейди учинчи курс ўқувчиси М.Мусадинов. — Танловнинг

бир неча босқичидан муваффақиятли ўтдим. Ушбу корхонада ходимларга юксак талаблар қўйилади, яъни улар бир неча тилни биладиган юқори малакали мутахассис бўлиши лозим.

— Амалий машғулотлар ўқувчиларда муайян касбий кўникмаларни шакллантиришда самарали восита бўлиб хизмат қилади, — дейди ЎЗА муҳбирига ишлаб чиқариш устаси А.Абдурашқов. — Малакали мутахассис зарур асбоблардан моҳирона фойдалана олиши керак, шу боис ўқиш жараёнида бунга алоҳида эътибор қаратаман. Педагог меҳнатини ўқувчилар эришган муваффақиятлардан билса бўлади. Жорий йилда ўқувчимиз Х.Искандаров «Касб маҳорати» республика танловининг шаҳар босқичида биринчи ўринни эгаллади.

Ишлаб чиқариш амалиёти — ўқитиш тизимининг муҳим босқичи бўлиб, ўқувчиларга ишга жойлашиш бўйича фойдали тақлифларга эга бўлиш ва коллежда таълим олиш пайтидаёқ ўз келажиги учун замин яратиш имконини беради.

Роман БОНДАРЧУК

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг интерфаол хизматларини фаоллаштириш ва такомиллаштиришга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ИНТЕРФАОЛ ХИЗМАТЛАР ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мамлакатимизда замонавий талабларга жавоб берайдиган лицензия ва рухсат бериш жараёнининг, статистика ҳисоботлари шакллари қисқартириш ҳисобидан қулай ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, ортқича бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида изчил ва аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси раисининг ўринбосари Б.Бегалов Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида статистика ҳисоботи механизмининг такомиллаштириш бўйича муҳим вазифалар белгиланганини таъкидлади. Мазкур фармонга мувофиқ статистика маълумотларини тўплаш ва қайта ишлашни оптималлаштиришда ахборот технологияларидан янада самарали фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Бугунги кунда Давлат статистика кўмитасига турли ҳисоботларни электрон шаклда тақдим этиш мумкин ва бунинг учун дастурий таъминот бепул тақдим этилади.

Матбуот анжуманида қайд этилганидек, кўмитада давлат статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Бу борада Ёш дастурчиларни қайта тайёрлаш ва қўллаб-қувватлаш маркази билан ҳамкорликда электрон шаклдаги статистика ҳисоботларини тўплаш тизимини модернизация қилиш ва янада такомиллаштириш ишлари бажарилмоқда. Бугунги кунда тизимдан 90 шаклдан ортқича статистика ҳисоботларини тақдим этиш учун фойдаланиш мумкин. Охириги ҳисобот даврида ушбу тизим бўйича 95 минг корхона ва ташкилот ўз ҳисоботини тақдим этди. 2013 йилнинг июнь ойидан бошлаб барча шаклдаги давлат статистика ҳисоботларини электрон шаклда тақдим этиш мумкин бўлади.

Тадбир иштирокчиларига кўмита сайтида (www.stat.uz) кенг доирадаги фойдаланувчилар учун олти асосий ва тўртта қўшимча интерфаол хизматлар мавжудлиги маълум қилинди. Улар мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг шакланган макроиқтисодий кўрсаткичлари, корхона ва ташкилотларнинг давлат реестри, давлат ҳисоботлари шакллари билан қўшимча қўшимча олган.

Меҳрибон МАМЕТОВА,
ЎЗА муҳбири

Қонун ва ижро

АРХИВЛАРДА САМАРАЛИ ИСЛОХОТЛАР

Инсоният ўзининг узоқ ўтмиши давомида бой маданий ва маънавий мерос яратган. Аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган маданий мерос асрлар оша сайқал топиб, ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Ушбу беназир меросни асраб-авайлаш, уни келажак авлодларга етказиш ҳар биримизнинг вазифамиздир. Зеро, тарихимизнинг узвийлигига эришиш ва табиатнинг олий неъматини ҳисобланган инсон умрбоқийлигини таъминлашда архивларнинг роли беқиёсдир.

Миллий архив фонди (МАФ) Ўзбекистон Республикаси халқлари тарихий-маданий меросининг ажралмас қисми ҳисобланадиган, тарихий, илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий аҳамиятга эга бўлган, Ўзбекистон ҳудудида яшаган ва истиқомат қилаётган халқларнинг моддий ва маънавий ҳаётини акс эттирувчи, яратилган жойи, вақти, манбаи, тури ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, тарихан пайдо бўлган, доимо тўлдириб бориладиган ва узлуқсиз сақланиши керак бўлган архив ҳужжатларининг мажмуидир.

Тошкент шаҳар Давлат архивининг асосий вазифаси ҳужжатлар сақлови ва улардан самарали фойдаланишни таъминлашдан иборат бўлиб, бу борада қатор самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг муносабатлари тўғрисида»ги ва «Фуқароларга давлат пенсиясини тайинлаш» тўғрисидаги Қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 5 апрелдаги «Ўзбекистон Республикасида архив ишлари такомиллаштириш тўғрисида»ги 101-сон қарори ижросини таъминлаш юзасидан архивда ижтимоий-ҳуқуқий мазмундаги сўровларни бажариш хизматини яхшилаш учун қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Пенсия таъминоти бошқармаси талаблари асосида фуқароларга меҳнат стажини ва иш ҳақи тўғрисида архив маълумотномаларини олишлари учун қулай шароитлар яратилган ва унинг ижроси ўз вақтида амалга оширилмоқда. Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот муассасалари ва Молия бош бошқармасининг Назорат-тафтиш бошқармаси мутахассислари томонидан фуқароларга тақдим этилган архив маълумотномаларини ўрганишларида амалий ёрдам кўрсатилмоқда.

Ҳозирги кунда юртимизда архив иши ва иш юритиш тизимини янада такомиллаштириш, қимматли ҳужжатлар сақланишини таъминлаш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш устувор вазифалар сирасига қиради. Архив идораларининг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари билан таъминланаётгани, тизимда электрон ҳужжат айланишининг жорий этилгани, нодир ҳужжатларнинг электрон шакллари ва суғурта фондлари яратилаётгани илмий изланишларда қатор қулайликлар яратмоқда.

Бу борада Тошкент шаҳар Давлат архивининг замонавий техника воситалари билан таъминланганлиги, ишларнинг тўлиқ компьютерлаштирилганлиги алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Феруза ДАДАЕВА,
Тошкент шаҳар Давлат архиви директори

МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Юнусобод тумани 19-мавзудаги «Фаррух фазл» мажмуасида Нодирабегим, «Чоштепа» ва Увайсий маҳаллалари аҳли иштирокида «Обод турмуш йили»га бағишланган «Жаннат оналар оёғи остидадир» мавзусида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ушбу маърифий кечанинг ўзига хос томони шундан иборат бўлдики, унга ҳар бир маҳалладан биттадан пири бадавлат, ибратли оилалар соҳиблари тақлиф этилди. Яъни «Чоштепа» маҳалласидан Усмон Исмолов ва Ёқутхон Пулатова, Нодирабегим маҳалла фуқаролар йиғинидан Фатхулло ва Надия Гайбуллаевлар, Увайсий маҳалласидан эса Зафар ва Махбуба Жўраевлар оилалари қатнашиб, аҳил ва тотув, ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилишнинг сирасорлари, бола тарбиясининг муҳим ҳижатлари ҳақида тўхталиб ўтишди.

Тадбир давомида мунис, мўътабар онахона, опа-сингиллар қутланди. «Дўстлик» маданият уйининг хушовоз хонанда ва созандалари — Абдураҳим Ҳақназаров, Ахбор Эгамов, Анвар Эргашев, Гулруҳ Азимова, Ихтиёр Муродов ва Хамид Мадияровлар ижросида аёлларни васф этувчи қўшиқлар тадбир иштирокчиларининг дилларини хушнуд этди.

Даврон НУРМАТОВ

Обод шахрим — озода шахрим

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида атроф-муҳитни экологик муҳофаза қилишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ўрнига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

МАҲАЛЛАЛАР ЯНАДА ОЗОДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари, олий таълим муассасалари раҳбарлари, фуқаролар йиғинларининг раислари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фонди бошқаруви раисининг ўринбосари Г.Алимова ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида маҳал-

лаларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва мавқеини янада ошириш, маҳалла фаолиятининг ташкилий асослари ва моддий-техник базасини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

Атроф-муҳит тозаллигини сақлаш, кўчаларни ободонлаштириш, аҳолининг экологик, тиббий маданиятини янада юксалтириш фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг муҳим вазифалари сирасига киради. Обод турмуш йилида бўйналган ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

КўНГИЛЛАРНИ РАВШАН
ЭТАДИГАН МАНЗАРАЛАР

Бектемир тумани «Истиқбол» маҳалласидаги «Хусайн Бойқаро» ХУЖМШга қарашли 3-ўйнинг 3-йўлаги ён-атрофидаги ҳолат



Олмазор тумани «Янги Себзор» маҳалласидаги «Диёр мафтун» ХУЖМШга қарашли 10-ўйнинг 3-йўлаги



Уchteпа тумани 11-мавзесидаги «Кўргонтепа» маҳалласидаги «Дианорг сервис иккинчи» ХУЖМШга қарашли 28-ўйнинг 5-йўлаги атрофидаги манзара



Чилонзор тумани 8-мавзесидаги «Янги Қатортол коммуналчи» ХУЖМШга қарашли 29-ўйнинг 3-кириш йўлаги



Юнусобод туманидаги «Сайрам коммунал сервис» ХУЖМШга қарашли 34-ўйнинг 3-йўлаги



Яккасарой тумани Фарҳод кўчасидаги «Хайитмат бобо» ХУЖМШга қарашли 6-ўйнинг 6-кириш йўлаги

САРИШТАДИР ХОНАДОН —
ДИЛЛАР БЎЛУР ЧАРОҒОН
Зийрак бобо шахар кезади

Ўтган ҳафтада ёмғир аралаш қор бошланиб, зум ўтмай ҳамма ёқни оппоқ қор қоплаганди.

Ниҳоят яна кунлар исиб бормоқда. Отини эртароқ қамчиланганлар ниҳолларини экиб улгурди. Лекин дарахт экишнинг айна пайти ҳозир.

Маълумки, ўтган галги сафаримизда шахримизнинг айрим туманларида бўлиб, икки хил манзарани кўрганимиз ҳақида ёзган эдик. Натижа тезда кўринди. Аввало, кўллар тахририятимизга кўнгирик орқали мурожаат қилиб, кўп қаватли уйларнинг танқидга учраган йўлакларига таъмирлаш ишлари бошланганини мамнуният билан айтишди. Шундан эътибор хулоса чиқармаганлар борлигидан ҳам хабар топдик. Бу шу ишга мутасаддиларнинг ҳам, хонадон эгаларининг ҳам виждонига ҳавола. Баъзилар уй манзилларини билдириб, тахририятга хабар беришяпти. Майли-да, таъсири бўлибди-ку.

Ваъдага мувофиқ ана шу ишимизни яна давом эттирдик.

Дарҳақиқат, баҳор шуқуҳи кезиб юрган, "Ободонлаштириш ойлари" давом этаётган шахримиз туманларида кенг кўламли ободончилик, кўкчамзорлаштириш ишлари олиб боришмоқда. Мева ва манзарали дарахтлар, турфа хил анвойи гуллар экилмоқда, гулзорлар, боғчалар атрофида "яшил девор"лар барпо этилмоқда. Дарахтларга шакл берилиб, окланмоқда. Маҳаллалар гузарлари, кўча ва хиёбонлар тартибга келтирилмоқда. Ариқлар тозаланиб, чиқиндилар чиқариб ташланмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ишлар шахримиз кўрқига кўрк, чиройига чирой кўшмоқда. Дилларга кўтаринкилик ва баҳорий кайфият бахш этаётди.

Кексаларимиз, озода, саранжом-саришта жойда файзу барақа бўлади, деб бежиз айтишмаган. Ота-боболаримиз азалдан тозалликка, тартибга, саранжом-саришталикка жиддий эътибор қаратишган. Бугун ҳам бу масалага устувор вазифа сифатида эътибор берилаётганига гувоҳ бўлдик.

Шахримиз аҳолисининг тўртдан уч қисми кўп қаватли уйларда истиқомат қилар экан, бу уйларнинг тоза-озодалиги, таъмирланганлиги, кириш йўлакларининг қай ҳолатдалиги бирламчи масалалардан ҳисобланади.

Юқорида таъкидланганидек, газетамизда бундан аввал шахримизнинг бир неча туманларидаги кўп қаватли уйлар кириш йўлакларини ва хонадонлар атрофидаги ҳолатни таҳлил қилиб, ютуқ-муаммолари ҳусусида сўз юритган эдик. Бу гал ижодий жамоамиз билан бошқа туманларни ҳам кўздан кечирдик.

Сафаримизни Бектемир туманидан бошладик. Илк борган жойимизда «Valeg print» масъулияти чекланган жамияти ходимлари корхона ён-атрофини тозалаб, ободонлаштириш ишлари билан фаол шуғулланишаётган экан.

"Истиқбол" маҳалласидаги «Хусайн Бойқаро» ХУЖМШга қарашли 3-ўйнинг 3- ва 4-йўлакларини таъмирланган, кир-варши олдидаги бўш жойларга чиройли қилиб яшил буталар экилган. Уй олдида болалар ўйин майдончаси мавжуд. Бу ерда кичкинтойларнинг яйраб дам олиши учун барча қўлайликлар яратилибди.

Тумандаги «Истиқбол люкс» ХУЖМШга қарашли 17-ўйнинг 2-йўлагида эса буткул ўзгача манзара. Йўлак таъмирланмаган, девордаги бўёқлар кўчиб, айрим жойларнинг сувоқлари тушиб кетган, тозалик ҳақида-ку гапирмасамиз бўлади.

Яккасарой тумани ҳудудида жойлашган Фарҳод кўчасидаги «Хайитмат бобо» ХУЖМШга қарашли 6-ўйнинг 6-кириш йўлаги ҳам мухтасар қилиб айтганда, намунадагидек ҳолатда экан. Аммо Бобур кўчасидаги 11- ва 13-ўйлар аянчли аҳволда. "Шахрисабз коммунал" ХУЖМШга қарашли бу уйларнинг атрофи ва йўлакларини тозаланмаган. 11-ўйнинг биринчи кириш йўлаги ёнига яқинлашганимизда кишининг таъбини хира қиладиган ҳолатни кўрдик. Йўлак эшигига реклама қоғозлари пала-партиш қилиб ёпиштириб ташланган. "Наҳотки, шунини тозалаш кийинчилик тугдирса", — деб ўйлайсан. Болалар майдончаси эса тартибсиз, қаровсиз бир аҳволда.

Чилонзор тумани сари йўл олдик. 8-мавзёдаги «Янги Қатортол коммуналчи» ХУЖМШга қарашли 29-ўй 3-кириш йўлагининг батариблигини кўрдик. Йўлак таъмирланган, эшикларини бўялган. Кираверишда арчалар экилган.

"Бешибўч" маҳалласидаги «Алия нур коммунал» ХУЖМШга қарашли 173-ўйнинг 1-йўлаги эса анча таъмирталаб аҳволда экан, деворлар кўримсиз

ҳолатда, яшовчиларнинг ўз уйлари учун жон куйдираётгани кишини таъажжубга солади.

Уchteпа туманининг 11-мавзесидаги "Кўргонтепа" маҳалласига келиб, кўп қаватли уйларнинг аҳоли билан қизиқдик. Маҳалла биз ўйлаганимиздан анча катта экан. Бу ерда 55 та кўп қаватли уй бўлиб, жами 12 мингдан зиёд киши истиқомат қилади. "Дианорг сервис иккинчи" ХУЖМШга қарашли 28-ўйнинг 5-йўлаги намуналий ҳолатда. Ҳаммаёқ тоза-озода, эшиклар бўялган, хуллас, бу ерда батариб манзарасига гувоҳ бўлдик.

Бундан унчалик узоқда бўлмаган "Хилола сервис биринчи" ХУЖМШга қарашли 24-ўйнинг 1-йўлаги атрофи умуман бўйрилмаган. Ҳаммаёқ чиқиндилар билан тўлиб ётибди, йўлаклар ҳам бир аҳволда — сигарета қолдиқларига кўзингиз тушади.

Олмазор тумани ҳудудида ҳам батариб, шинам ва ораста уйлар кўп. "Янги Себзор" маҳалласидаги "Диёр мафтун" ХУЖМШга қарашли 10-ўйнинг 3-йўлаги чиройли қилиб таъмирланган. Йўлакнинг ичкариси ҳам тоза-озода.

Туманининг Фафур Гулом мавзесидаги "Абдували Абдуқаюмов" ХУЖМШга қарашли 5-6 ўйнинг 10-хонадонда яшовчи Мавжуда Лутфуллаева уйининг томондан чакка ўтишини айтиб, дардини тўқиб солди.

Ёмғир ёғди дегунча уйимиз шифтидан сув ўтишни бошлайди. Ширкат раҳбарига бир неча бор мурожаат қилдим, аммо фойдаси бўлмади. Таъмирлаш ҳақида уйлаб ҳам қўришмаяпти.

Шундай қилиб, Юнусобод туманига йўл олдик. "Сайрам коммунал сервис" ХУЖМШга қарашли 34-ўйнинг 3-йўлагидаги ҳуш манзара кайфиятимизни кўтарди. Йўлак таъмирланган, озода, эшикларига бўёқ берилган, хуллас, буни қўриб, одамнинг бахри-дили очилади.

Қизғин шундаки, худди шу уйнинг 2-йўлагидаги ҳолат — бунинг акси. Йўлакнинг деворларидаги сувоқлар кўчган, ичкарида кераксиз буюмлар турибди. Бу одамларнинг уйга кириб-чиқишида ноқулайлик тугдирмоқда. Йўлакка кирверишда қирқилган дарахтнинг катта ғўласи анчадан бери ётибди, атроф ҳам тоза эмас. Шундай пайтда: "Бирни кессанг, мингги эки!" — деган ҳикмат ёдга тушади. Аслида, йўлак кирверишида кўчлар ақилиб, кўкчамзорлаштирилган бўлиши керак эди, бу ерда эса бунинг аксини кўрдик.

Мана, Бектемир, Яккасарой, Чилонзор, Уchteпа, Олмазор ва Юнусобод туманларидаги кўп қаватли уйларнинг баъзи кириш йўлакларини ва ён-атрофидаги ҳолатидан хабардор бўлдингиз. Албатта, таъмирланган, тоза-озода йўлакларини қўриб, сизнинг ҳам кўнглингиздан: "Биз ҳам йўлагимизни шунча таъмирлаб, тозалаб қўйсам бўларкан, қаранг, одамнинг кўзи қувнайди", — деган фикр ўтган бўлса, ажаб эмас. Бунинг акси бўлган айрим уйларни қўриб, қандай хулоса чиқариш эса — ўзингизга ҳавола.

Халқимизда: "Сариштали уй — фариштали уй", "Сариштадир хонадон — диллар бўлур чароғон", — деган ажойиб нақллар бор. Хонадонимизнинг саришталиги, ҳар кунини ўтиб қайтадиган йўлакларимизнинг озода туриши кайфиятимизни кўтариб, ишимизнинг унумдорлигига ижобий таъсир этиши ҳам сир эмас. Зеро, экологик маданият ҳам, саломатлигимизни асраш ҳам шунини таъқозо этади... Шундай эмасми, азизлар!

Зийрак бобога бу гал
Абдуалим САЛИМОВ
котиблик қилди.

Маҳаллалардаги ички йўллар, йиғин бинолари, гузарлар атрофига мева, манзарали дарахтлар ҳамда гул кўчатлари экилди. 50 минг тоннадан зиёд маиший ва қурилиш чиқиндилари ташиб кетилди. Тарихий обидалар, муқаддас қадамжолар, қабристонлар ободонлаштирилиб, тартибга келтирилди. Айни пайтда маҳаллалар ҳудудида болалар майдончаларини қуриш ва таъмирлаш, маиший хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш ишлари давом эттирилмоқда.

Матбуот анжуманида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг атроф-муҳит ободлигини таъминлашдаги масъулиятини янада ошириш, экологик мусаффоликни сақлашда жамоатчилик назоратини кенгайтириш, маҳалла фаолларининг ҳусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари билан алоқасини янада мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида атрофича маълумот берилди.

(ЎЗА)

...ДИЛНИ ХИРА ҚИЛАДИГАН
ҲОЛАТЛАР

Бектемир туманидаги «Истиқбол люкс» ХУЖМШга қарашли 17-ўйнинг 2-йўлагидаги ҳолат



Олмазор туманидаги «Қамолот камал» ХУЖМШга қарашли 1-ўйнинг 14-кириш йўлаги атрофи



Уchteпа туманидаги «Хилола сервис биринчи» ХУЖМШга қарашли 24-ўйнинг 1-йўлаги



Чилонзор туманидаги «Алия нур коммунал» ХУЖМШга қарашли 173-ўйнинг 1-йўлаги атрофидаги аҳвол



Юнусобод туманидаги «Сайрам коммунал сервис» ХУЖМШга қарашли 34-ўйнинг 2-йўлаги ён-атрофидаги қаровсиз ҳолат



Яккасарой тумани Бобур кўчасидаги «Шахрисабз коммунал» ХУЖМШга қарашли 13-ўйнинг 1-кириш йўлагидаги ҳолат

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА фотомухбири, таниқли фотожурналист Рустам Шагаевнинг «Касбим — фоторепортёр» деб номланган кўргазмаси ташкил этилди.

Кўргазма

УНИНГ КАСБИ —
ФОТОРЕПОРТЁР

Кўргазманинг очилишида мусаввирлар, хайкалтарошлар, фотоижодкорлар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган дипломатик корпус вакиллари, санъат ихлосмандлари иштирок этди.

Ўзбекистон Бадий академияси раиси А.Нурриддинов, Ўзбекистон халқ артисти М.Йўлчиева, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги Бош директорининг ўринбосари А.Тошхўжаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда санъатнинг барча йўналиши каби фотография санъатини ҳам изчил равишда топтириш борасида кўрсатилган эътибор ёшларнинг бадий-эстетик дидини тарбиялаш, маънавиятини юксалтиришдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Бу фотоижодкор Рустам Шагаев асарларида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Кўп йиллардан буюн Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигида фаолият кўрсатиб келаётган Р.Шагаевнинг мамлакатимиз, халқимиз ҳаётига оид ўнлаб фотоочерк, репортаж, лавҳалари ўқувчиларга манзур бўлмоқда.

Унинг ижодий ишлари Ўзбекистон Бадий академиясининг «Тор-Арт — 2010» ижодий лойиҳаси, 2012 йилда ўтказилган «Биз — бунёдкор халқимиз» республика кўрик-танловида совринли ўринларга лойиқ топилган. Фотоижодкорнинг «Болалар — келажакимиз», «Шарқ гавҳари», «Ўзбекистон: анъана ва замонавийлик», «Маҳалла» каби мавзулардаги ижодий ишлари Бельгия, Франция, Россия каби мамлакатларнинг санъат ихлосмандларида ҳам катта таассурот қолдирган.

Мазкур кўргазмада Р.Шагаевнинг жонажон Ватанимизнинг мустақил тараққиёт йиллари, жамият ҳаётининг турли жаҳаллари, тинч, осуда ва фаровон ҳаётимиз, санъат, маданият дарғалари сиймоси акс эттирилган ўнлаб фотосуратлари томошабинлар эътиборига ҳавола этилган.

Назokat УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига

ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шахри

Уchteпа туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1.Комиссия номига ариза;
2.Паспорт нусхаси;
3.Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;

4.Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;

5.Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);

6.Охириги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охириги санаси 2013 йил 25 март)

Манзил: Тошкент шахри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.

Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

Уchteпа туманидаги «BAYON-SULDUS» масъулияти чекланган жамиятига Тошкент шахар Уchteпа тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш бошқармаси томонидан 2011 йил 31 мартда берилган реестр рақами №001083-01 бўлган №001083 сонли гувоҳнома ва УС №008150 рақамли лицензия йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»

Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 9 январда қабул қилинган «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2008 йил 20 октябрда имзоланган «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари юртимизда мева-сабзавот етиштириш, уни қайта ишлаш, экспорт имкониятларини кенгайтиришда муҳим дастуруламал бўлаётир.

Ана шундай эътибор самарасида кейинги йилларда мамлакатимизда мева етиштириш 10, узум етиштириш 11 фоиз кўпайиб, бозорларимиз тўқинлиги таъминланмоқда. Ўтган йили 2 миллион 52 минг тонна богдорчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, уларнинг экспорт ҳажми сезиларли даражада ошди.

Бугун юртимизда етиштирилаётган мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари АҚШ, Германия, Ҳиндистон, Бирлашган Араб Амириклари, Жанубий Корея, Туркия ва МДҲ мамлакатларига кенг экспорт қилинмоқда. Жумладан, 2012 йилда 110 минг тонна мева, 119 минг тонна узум хориқлик ҳаридорларга етказиб берилди.

Мева ҳамда узумдан мўл ҳосил етиштириш ва уни қайта ишлаш ҳажмини ошириш, аввало, серхосил дарахт турларини кўпайтиришга боғлиқ. Айни пайтда мамлакатимизда 244 минг гектар бог ҳамда 127 минг гектар тоқзор мавжуд. Ўзбекистон Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигидан маълум қилишларича, бундай майдонларни янада кенгайтириш учун жорий йилда қарийб олти минг гектардан янги бог, беш ярим минг гектардан ортиқ майдонда тоқзорлар яратиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер ҳўжалиқларига қарийб ўн саккиз миллион тўпдан зиёд мевали дарахт ва тоқ қўчатлари етказиб берилди.

Р.Шредер номидаги богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тегиштириш институтида мевали ва манзарали дарахт қўчатлари етиштириш борасида ўзига хос мактаб шаклланиган. Илмий жамоа энг серхосил дарахтлар қўчатларини танлаб, кўпайтириш борасида самарали ишлар олиб бормоқда. Кейинги беш йилда мева ва узумнинг касалликларга, курғоқчиликка чидамли, маҳаллий иқлим шароитига мос, серхосил йигирмага яқин янги нави яратилиб, давлат реестрига киритилди.

Олманинг «Қизил тарам олма», «Малика», «Нафис», нокнинг «Сари гўзал», «Салом-2», «Тўёна», шафтолининг «Муяссар», ўрикнинг «Боборажабий», «Оқ кантак», кулпнайнинг «Редгоунлет», «Ўзбекистон гўзали», қорағатнинг «Сиюма», «Ирода», гилос-

нинг «Баҳор», узумнинг «Кишмиш сўғдиёна», «Кишмиш теракли», «Самарқанд» каби навлари ҳосилдорлиги, тезпишарлиги туфайли фермерларга маъқул келмоқда.

Халқимиз дастурхони тўқинлигини таъминлаш мақсадида озиқ-

«Наврўз – 2013»

БОҒЛАР – ОБОДЛИК ВА ФАРОВОНЛИК БЕЛГИСИ

овқат маҳсулотлари етиштирилаётган ерлар кенгайтирилмоқда. Бу эса турли мевали дарахт қўчатларига талабни ошироқда. Шу боис институтда ҳар йили тўрт миллион дондан зиёд манзарали ва мевали дарахт, тоқ ҳамда гул қўчати тайёрланиб, аҳоли ва фермер ҳўжалиқларига етказиб берилмоқда.

Тез ҳосилга кирувчи ва маҳсулдор интенсив боғлар барпо этиш ҳам доимий эътиборда. Хусусан, Самарқанд вилоятида бир минг уч юз гектардан зиёд, Тошкент вилоятида бир минг уч юз гектар, Навоий вилоятида қарийб саккиз юз, Қашқадарё вилоятида қарийб олти юз, Андижон вилоятида уч юз, Жиззах вилоятида уч юз гектардан зиёд, Наманган вилоятида тўрт юз гектардан ортиқ майдонда яратилган интенсив мевали боғлар баравж ривожланмоқда.

– Жорий йилда ҳам 500 минг дондан ортиқ интенсив олма қўчатини экишга тайёрлаб қўйди, – дейди Р.Шредер номидаги богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тегиштириш институти директорининг ўринбосари Равшан Абдуллаев. – 2011-2012 йилларда мамлакатимизда 5,3 минг гектар майдонда интенсив боғлар яратилган бўлса, жорий йилда яна 3 минг гектардан зиёд ана шундай бог яратиш мўлжалланмоқда. Шу боис ҳозир барча вилоятларда ўқув-семинарлари ташкил этилиб, аҳоли ва



фермерларга интенсив боғларнинг афзаллиги, пастак дарахтларни экиш схемаси, озиқлантириш тартиб-қоидалари хусусида тушунтиришлар берилмоқда.

Институтнинг илмий тажриба марказида ер ва сувдан унумли фойдаланиш, муқобил иссиқлик манбаларини қўллаш борасида қатор янгиликлар амалиётга татбиқ этилмоқда. Шу мақсадда мелиоратив ҳолати нисбатан паст, шўрланган ва камҳосил ерларда богдорчиликни ривожлантиришнинг янги усули – мевали дарахтларни махсус тувакларда парваришлаш йўлга қўйилди. Бу эса богдорчиликни янада кенгайтириш имконини беради. Ўтган йили бундай усулда етиштирилган дарахтлардан нишона ҳосил олинди. Жорий йилда бундай қўчатларни янада кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

2012 йили яна бир янгилик – сунъий туман (буғ) ҳосил қилиш йўли билан ўсимликларни кўпайтирувчи иссиқхона ташкил этилди. Уч сотихдан иборат бу иссиқхонанинг афзаллиги шундаки, унда йил давомида вегетатив йўл билан пакана пайвандтагларнинг қўчатини етиштириш мумкин. Ўтган йили 20 минг донда лимон қўчати парваришланди. Айни вақтда эса пайвандтагларнинг илгари чиқитга ташлаб юборилган юқори қисми қаламча сифатида экилмоқда. Улар қўқариб чиққач, августда далага экилади.

Наврўз арафасида бу каби богдорчилик ишлари янада жонланади. Томорқаю далаларга янги ниҳоллар экилади. Бу юртимиз ободлиги, халқимиз дастурхони тўқинлигига хизмат қилади.

Сайёра ШОЕВА,
ЎЗА мухбири



Танловлар

БАҲОР МАРАФОНИ

Баҳор насимлари эсаётган ушбу кунларда турли кўрик-танлов ва тадбирлар ўтказилиши аънаанага айланган.

Мана шундай тадбирлардан бири Чилонзор туман ҳокимлигида «Камолот» ЕИҲ туман Кенгаши ва бир қатор ташкилотлар ҳамкорлигида «Онажон мўтабабар» лойиҳаси доирасида ташкил этилди. «Баҳор марафони» деб номланган кўрик-танловда тумандаги мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари ҳамда қорхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган бошланғич ташкилот аъзолари, фалол қизлар иштирок этишди.

Харакат аъзоларини байрам билан қутлаш ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган танловда иштирокчилар «Энг маънодор табрик», «Онам уйда бўлмаса», «Бир йилгитта қирқ ҳунар ози» каби шартлар бўйича беллашдилар.

Маълумки, жамият учун ҳам, шахс учун ҳам хавфсизлигини таъминлаш чоралари биринчи ўринда туради. Айниқса ёнғиндан сақлаш чораларини кўриш ҳамisha, ҳар жойда катта масъулиятни талаб этади. Эҳтиётсизлик натижасида чиққан ёнғин инсониятга катта моддий ва маънавий зарар еткази.

«101»

ДОИМО МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛАЙЛИК

Сув балосидан, ўт балосидан асрасин, деган нақл бежиз айтилмаган, албатта. Чунки турли сабаблар туфайли чиққан ёнғин оқибатида асбоб-ускуналар, ўқув қуроллари, мол-мулк ёхуд бошқа моддий бойликлар, шунингдек ёнғиннинг келтирган фалокати боис, инсонлар ҳаёти ҳам заволи топиши мумкин. Ёнғинларнинг аксарияти фуқаролар турар жойларида юз бераётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Зеро, газли иситиш ва электр асбобларидан нотўғри фойдаланиш, масъулиятсизлик, бефарқлик, умуман, ёнғин хавфсизлигининг оддий қоидаларига ҳам риоя қилмаслик, уларни кўр-кўрона равишда бузиш оқибатида уй-жойларда ёнғин чиқиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Чунки, биргина ўчирилмаган сигарета қолдиги ёки электр симларининг қисқа туташуви туфайли ўт чиқиши мумкин. Бинобарин, уйда, ишхонада, жамоат жойларида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилсак, «тилсиз ёв»нинг олдини олган бўламиз.

Е.ЖўРАБЕКОВ,
24-ХЕҲК кичик инспектори, кичик сержант

«Ватанпарвар» ташкилотларида

ЭНГ НАМУНАЛИ ЎҚУВ-СПОРТ ТЕХНИКА КЛУБИ

Ўсиб келаётган авлодни жисмоний жиҳатдан етук, маънан баркамол, она Ватанга содиқ инсонлар этиб тарбиялашда нафақат таълим муассасалари, балки мамлакатимизнинг барча вилоят, шаҳар ва туманларида фаолият кўрсатаётган мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотларининг ҳам алоҳида ўрни бор.

Ҳамза туманида фаолият олиб бораётган «Ватанпарвар» ташкилотининг «Hamza o'quv STK» нодавлат таълим муассасаси ҳам ана шундай намунали ташкилотлардан бири ҳисобланади.

Мазкур ташкилот раҳбари Отабек Омоновнинг таъкидлашича, биргина жорий йилнинг ўтган икки ойи мобайнида ушбу нодавлат таълим муассасаси спортчилари 70 тага яқин клублар ўртасида икки маротаба ўтказилган биатлон, ўқ отиш, автокўпкураш ва картинг спорт мусобақаларида иштирок этишиб, муносиб ўринларни эгаллашган. Мазкур спорт мусобақаларида 950 нафарга яқин 10 ёшдан 60 ёшгача бўлган II, III оммавий тоифали спортчиларнинг иштироки таъминланган.

– Ўлкамизда айни баҳор фасли бошланиши билан бундай оммавий спорт мусобақалари янада кўпроқ уюштирилмоқда, – дейди О.Омонов. – Бу эса ўз навбатида ёшларни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Шу билан бирга, «Hamza o'quv STK» муассасаси жамоаси ёшларни биргина спорт мусобақаларида жалб этибгина қолмай, уларнинг оммавий техник касб эгалари бўлиб етиштишларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Жумладан, ўтган 2012 йилда мазкур ташкилот томо-

нидан 867 нафар «В» тоифали, 75 нафар «ВС» тоифали ва IXX бўйича 15 киши учун 30 соатлик ўқув курслари ташкил этилди. Ушбу курсларни тамомлаб, оммавий техника касб эгалари бўлганларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Жорий йилда эса бу кўрсаткичининг янада ортиши кутилмоқда. Бунинг учун муассасада барча имкониятлар етарли. Мавжуд 7 та синф хонаси, битта амалий машқ ўтиш хонаси зарур кўргазмалар ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Шунингдек, ўқув ташкилоти ўзининг битта тиркама, учта юк, битта автобус ва 9 та энгил автомобилига эга. Жорий йилда эса моддий-техник базани мустаҳкамлаш мақсадида яна битта «Нексия» автомобили харид қилиниши режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари муассаса мутахассислари тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда ёшлар ўртасида давра суҳбатлари, учрашувлар ташкил этишга ҳам алоҳида эътибор қаратишган. Мана шу ишларнинг самараси туфайли мазкур нодавлат таълим муассасаси ўтган йил якуни бўйича 13 та НТМ ўртасида ташкил этилган мусобақада «Энг намунали ўқув-спорт техника клуби» номинацияси бўйича голибликни қўлга киритди.




Дилмурод ИСМОИЛОВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI XUSUSIYLASHTIRISH, MONOPOLIYADAN CHIQRARISH VA RAQOBATNI RIVOJLANTIRISH DAVLAT QO'MITASI



ISTE'MOLCHI,
HUQUQINGIZ BUZILDIMI?
MUROJAAT ETING!



ISHONCH TELEFONI: 233-09-39

Тошкент Оқшоми

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар. 233-28-95,
236-57-65, факс: (371) 232-11-39

2007-йил 19 январда Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот бошқармасида
02-1-рақам билан руйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил:
vto2007@mail.uz

Буюртма Г- 341

Душанба, сешанба, чоршанба,
пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
14221 нусхада босилди.
Қўғоз бичими А-2


Нашр учун масъул
Д. Исроилов

Топириш вақти: 13.00

Босишга топирилди: 17.00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмахонаси. Қорхона
манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир
Акмал АҚРОМОВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Яшаш учун кураш бўлмаган жойда
интилиш ҳам, тараққиёт ҳам бўлмайди.

Нафс йўлидан юрган адашади.

Ўзини алдаш бировни алдашдан
ёмон.

Нафс чоҳга етаклайди.

Ишнинг натижаси кишига қанот
бағишлайди.

Кутмаганинг олдиндан чиқади.

Безовта кўнгилда ҳаловат бўлмайди.

Меҳмон ўз иззатини билса яхши.

Масъулият туйғуси бўлмаган кишига
ҳеч нарсани ишониб бўлмайди.

Бўлар-бўлмас ишлар кўп вақтни
олади.

Манфаат, бу – инсонни ҳаракатлан-
тирувчи куч.

Баъзида арзимаган пул ҳам бара-
кали, бир дунё пул ҳам баракасиз
бўлади.

Эҳтиёткор кишининг ҳаёти бир
текис кечади.

Ҳамма ўзиникини маъқуллайди.

Ҳақиқат маърифатда.

Бировнинг дарди бошқани ҳеч қачон
қизиқтирмаган.

Ёмондан ҳар нарсани кутиш
мумкин.

Иши юришгани кўролмайдилар.

Нафс одамни телба қилади.


Кўнгил ҳеч қачон таскин топмайди.

Ўғрилиқ мол ҳеч кимга вафо
қилмайди.

Ўз қадрини билган оёқ остида
ўралашмайди.

(Давоми бор)

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган



ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳрида
13 март куни ҳаво ўзга-
риб туради, вақти-вақти
билан ёмғир ёғади. Фарбдан
секундига 7-12 метр тез-
ликда шамол эсади. Ҳаро-
рат кечаси — 8-10 дара-
жа илик, кундузи — 18-20
даража иссиқ бўлади.

Ўзгидрометнинг
мониторинг хизмати
маълумотиға кўра,
13 мартда Тошкент
шаҳри об-ҳаво шаро-
ити шаҳар ҳаво му-
ҳитида зарарли моддалар-
нинг бир оз тарқалиб ке-
тишига имконият ярата-
ди. Атмосферанинг ифлос-
ланиш даражаси 1-3 фоз
поясийи тахмин қилин-
моқда, тағмиқдори паст
бўлади.